

«Болалигимни эсласам, илик ёз кечалари кўз олдимга келади...» «Дунёнинг ишлари» китобининг бир боби шундай сўзлар билан бошланади. Чиндан ҳам бу асар — деярли хасби-хол кисса. Факат ундаги баъзи одамларнинг исми ўзгарган. Аслида хар кандай бадий асарда ҳам маълум маънода муаллиф таржимаи холининг бир бўлаги бўлади. Сабаби, ёзувчи ўз асарига калбини багишлайди. Менга колса, бадий ижодца кандайдир илохий жараён бор, деган бўлур эдим. Худо кўнглига солмагунча хакикий ижодкор кўлига калам олмайди! Хакикий асар шунчаки ёзилавермайди, хакикий асар фарзанд каби тугилади! «Дунёнинг ишлари» ва «Калбингга кулок сол», «Нур борки, соя бор» ва «Бахор кайтмайди», «Икки эшик ораси» ва «Тушда кечган умрлар» асарлари, катор хикоя ва сахна асарлари ҳам шу тарзда тугилган...

Хар ким ўз аждодлари билан фахрланишга хакли. Менинг ота-боболарим ҳам ўз замонининг машхур кишилари бўлишган. Жумладан, бобокалоним — бобомнинг оталари Абулкосимхон эшон Туркистон тарихида ўзига хос из колдирган улуг шахслардан бири бўлганлар.

Тошкентда, «Халklar дўстлиги» саройи якинида кадимий обида — Мадраса бор. Бу даргохда ўгган аср бошларида Абдулла Кодирий, Мунавваркори, Гулом Зафарий ва бошка улуг зотлар таълим олган.

Обида бир ярим аср аввал Абулкосимхон эшон томонидан бунёд этилган. Бу зукко инсон ўзбек тилидан ташкари араб, форс, рус ва бошка тилларни мукамал билган, Туркистоннинг Чор хукумати томонидан босиб олинишига карши курашнинг гоъвий рахнамоларидан бири бўлганлар. 1899 йили Санкт-Петербургда нашр этилган «Мусулмонликка оид материаллар тўплами» китобида бундай деб ёзилган: «1892 йили вафот этган Абулкосимхон эшоннинг Тошкент ва бошка шахарларда ўн минглаб муридлари бўлиб, улардан келган маблаглар ва вакф ерларидан тушган даромадлар хиеобидан эшон 30 минг сўмга Мадраса курдирган. Бу мадрасада 100— 150 талаба тахсил олган... Унинг ахоли орасидаги нуфузи ниhoятда баланд бўлган...» 1856 йили бунёд этилган мадрасада факат диний эмас, дунёвий илмлар ҳам ўргатилган.

Бобокалонимнинг мўътабар ва фидойи шахс бўлганини исботловчи яна иккита далил мавжуд. 1892 йили Тош-кентда вабо касали таркалади. Устига-устак келгиндилар зулмидан тинкаси куриган халк кўзголон кўтаради. Тарихга «Вабо кўзголови» номи билан кирган миллий озодлик харакати бошланади. Чор хукумати аскарлари эски шахарга бостириб кириб, киргин бошлаган чогида Абулкосимхон эшон мукаррар ўлимни бўйнига олиб, ўша пайтдаги Туркистон генерал-губернатори Вревский номига рус тилида ариза ёзиб, унинг олдига боради. Хукумат аскарлари Тошкентнинг махаллий ахоли яшайдиган кисмидан (эски шахардан) олиб чикилмаса, окибати иккала томон учун ҳам фожиали бўлишини тушунтиради. Губернатор буйруги билан «саллотлар» шахардан олиб чикилади.

Кейин эса ундан ҳам гаройиб ходиса рўй беради...

1892 йил 30 июнь куни Абулкосимхон эшон Хўжа Ахрор жоме масжидида минг-минг одамлар орасида ваъз айтиб, Тошкент ахли бир балодан кутулгани — хукумат аскарлари шахардан олиб чикилгани билан халойикни кутлайди ва тагин бир офатни — вабони ўзи билан олиб кетиш ниятида эканини айтиб, Аллохга илтижо килади. «Туркистон вилоятининг газети» мухаррири, олим Н. Остроумов «Фон Кауфман — Туркистон

ўлкасининг ташкилотчиси» деган маколасида бу хайратомуз ходиса хакида шундай деб ёзади: «Мункиллаган ёшида сўнги кунлардаги воқеалардан («Вабо кўзголони»дан, демокчи) каттик ларзага тушган мухтарам Абулкосимхон шундан сўнг тезда — 4 июлда вафот этди. Кизикарлиси шундаки, вабо бархам топди, тошкентлик сартлар буни унинг вафотига нисбат бердилар...»

Шу тарика Абулкосимхон эшон халк фидойиси сифатида тарихга кирган.

Бобокалонимнинг фарзандларидан бири Хошимхон эшон тижорат билан шугулланган, кўп йиллар падари бузрукворлари бунёд этган мадрасада дарс берган эканлар. Аждодларим тўгрисида бир қадар батафсил тўхталганимнинг сабаби шундаки, эллик ёшга чиккунимча боболаримнинг ким бўлганини билмаганман. 1991 йили таникли олим ва журналист Сирожддин Ахмедов шажарамиз тўгрисидаги маълумотни кўлимга топширди. Кекса ёшдаги кариндошларимдан бу далилларни нега менга айтишмаганини сўраганимда, жуда асосли жавоб эшитдим. Гап шундаки, агар бу гапларни билганимда қаердадир айтишим ёки ёзишим муқаррар эди. Шўро сиёсати эса «халк душманлари»га алоқадор бўлган одамни кўкартирмаслиги аниқ эди. Худога шукроналар бўлсинки, 1991 йили Ватанимиз Мустакилликка эришди ва минг-минглаб инсонлар иймон сари юз тутди. Большевиклар эса дин арбобларини, эл хурматини қозонган, илми алломалар деб эмас, хаммасини «текинхўр, фанатик» деб санаган ва каттик зулм ўтказган. Фуқаролар уруши кизиган йиллари Бекларбеги мадрасаси олдида минглаб одамларни тўплаб, уларнинг дилига ваҳима солиш учун «намунали килиб» отиб ташланганлар орасида онамнинг тоғаси Абдусафийхон ҳам бўлган. Бу бегунохларнинг «гуноҳи» ўз эътиқодидан — динидан воз кечмаганида эди, холос. Эшонлик билан эмас, ўз ерларини шўрога топшириб, дехкончилик орқасидан кун кечирган амаким Носирхон тўрани эса кўшниси Тўлаган қора деган маразнинг чақуви билан сургун килиб, ўлдириб юборадилар. Тўлаган қора ўзи абгор қилган оила номусига тажовуз қилишга қиришганда, оиланинг тўнғич фарзанди — ўн олти ёшли Абдуллажон бунга қидай олмай уни маст-аласт бўлиб ётганида чопиб ташлайди. Оила номусини асраб қолган йигитчани эса, суд қилиб, отувга ҳукм этадилар. Болалиги мда элас-элас қулогимга қалинган бу фожиа мустабид тузум зулми қутурган 37-йилларда кечган экан. «Тушда кечган умрлар» романидаги Эшон ота, унинг оиласи, фар-зандлари, Қурбоной бошига тушган чексиз қулфатлар шу инсонлар қисматидан олинган.

Отам Атоуллохон Хошимов тазйиклардан безор бўлиб қишлоққа — Дўмбирободга кўчиб қелган, харобагина қул-бада тирикчилик қила бошлаган. Бирок бу ерда ҳам тазйиклар тўхтамаган. Дехкончилик қилган. Тўқимачилик қомбинатида, сўнг шу қомбинатга қаршли болалар оромқоҳида ишлаган.

... Эски қитобларни ҳам, қомонавий адабиёт ва газеталарни ҳам ўқиб борар, ўта ҳаққараст, ноҳақликни қурса ёниб қетар эди.

Онам — Ҳақима Хошимова эса отамнинг ақсича, ниҳоятда ювош, жуда меҳрибон эди. Қўчада бирон бола йиглаб ўтирган бўлса, албатта тепақига қориб бошини қилар, бирон сабаб билан биз болаларни қойиса, ўзи ҳам йиглаб юборар, ўша захоти қўнғимизни олишга ҳаракат қиларди. Ойим қанча содда бўлсалар, шунча қонишманд ҳам эдилар! Иложи қорича қаммага яқшилиқ қилишни қохлар, ўта оққўнғил, қина-қудуратни қилмайқиган аёл эди («Дўнённинг ишлари»да қандай тасқирланган бўлса, онам ҳудди шундай эди).

Мен 1941 йил 5 августда Тошкент қикинидаги Дўмбиробод қишлоқида туқилганман.

Кишлоқда, тагин, пойтахт бикинидаги кишлоқда тугилганим тақдирнинг хадяси бўлса ажаб эмас. Негаки, ижодкорда кишлоқнинг калби, шаҳарнинг акли бўлиши керак. Ойим бир гапни кўп айтарди: «Сен тугилганингда киёмат койим бўлган эди. Ўрис хотинлар уруш бошланибди, деб йиглаган, мен — амманнинг бузоги хайрон бўлгандим. Уруш аллакаёқда бўлаётибди-ю, булар нега дод солади, дегандим. Кейин аклим етди». «Икки эшик ораси» романида Кора амма ҳам уруш хақидаги хабарни шундай қабул қилади. Ўгли Кимсан фронтга кетмокчи бўлганидан кейингина ваҳимага тушиб қолади. Баъзи дўстларим роман кўлөзмасининг муҳокамасида «уруш бошлангани хақидаги хабарни бу қадар соддалаштириб тасвирламаслик керак эди», деган мулоҳазани айтди. Бирок мен учун бу ходиса киноларда тасвирланганидан кўра, онам айтиб берган ҳикояда ҳаётга яқинроқ кўринди.

Оиламизда бир киз, тўрт ўғил эдик. Мен учинчи ўғил эдим (отамнинг биринчи оиласидан яна бир опам борлиги, онам иккаламиз кўп овараи сарсонликлардан кейин тўнғич опамни ҳам топиб олганмиз. «Дунёнинг ишлари»да ёзилган).

Отамдан каттик хайикар эдик. Отам бирон марта ҳам биронтамизни чертган эмас. Отани каттик ҳурмат қилишни онам ўргатган: «Хозир аданг келадила, уйни супуриб кўй», «Адангни жахллари ёмон, тинч ўтиринглар», «Адангни кетмонига тегма», «Адангни соатига кўл тегизма...»

Билмадим, балки хозирги оилаларга бу ҳолат «феодаллик» бўлиб туюлар. Аммо бизнинг оиламизда отага сизиниш фарзандларга зиён келтирганини эслай олмайман.

Етти ёшга тўлар-тўлмас, акаларимга эргашиб, Дўмбирободдаги мактабга бордим. Бу — етти йиллик мактаб эди. Уни битириб, анча наридаги «катта» мактабда ўқишни давом эттирдим. «Икки эшик ораси» романида Музаффарнинг «катта мактаб»га бориши, «Алвасти кўприк», Бўрижар манзаралари ўша палладаги кузатувлар ҳосиласи бўлса, ажабмас.

Биринчи шеъримни 5-синфда ўқиётганимда ёзганман. Эрта баҳор эди. Мактабдан келаётсам деворнинг кунгай этагида қокигул очилиб ётибди. Хаяжонланиб кетиб, «Олтин тугмача» деган шеър ёздим. Бу шеър эсимда қолмаган. Фақат қокигулни олтин тугмачага ўхшатганим ёдимда.

9-синфда ўқиётганимда учувчи бўлишга қарор қилдим. Жавзад деган дўстим билан аэропорт деворидан ошиб ўтиб, ўқиш майдонига чиқиб қолганимиз, баджаҳд навбатчи «хозир отиб ташлайман», деб бақиргани эсимда. Такцир бизни ўз измига солди: Жавзад биринчи тоифали учувчи бўлди. Менинг қисматим адабиёт экан.

«Талабалик — олтин даврим» дейишади. «Олтин даври»ни маза қилиб ўтказган тенгқурларимга хавас қиламан. Мен учун бу давр кўп ҳам олтин бўлди деёлмайман. Гарчанд ўрта мактабни медал билан битирган бўлсам-да, сиртки бўлимга кирдим. Аввал «Темирўлчи» газетасида хат ташувчи (куррьер) бўлиб ишладим. Кейин «Кизил Ўзбекистон» (хозирги «Ўзбекистон овози») да мусаххих ёрдамчиси бўлдим. Кунора тонготар тахририятда қолиб кетардик. Ярим кечалари корректура ўқиб толиққанда, камтар (хатто, ўта камтар) болалик дўстим Юнус Зиёдов билан суҳбатлашиб, бир кун келиб бизлар ҳам «катта одам», «катта ёзувчи» бўлиб кетишни орзу қилардик. Отам оғир бетоб, акам харбийда, оилага ёрдам бериш керак эди. Жон-жаҳдим билан ёзишга берилиб кетдим.

Тўртинчи курсдан кундузги бўлимда ўқий бошладим. Аммо ишдан бўшамадим. Тушгача ўқийман, тушдан кейин «Тошкент хақиқати» газетасида адабий ходимлик қиламан.

Биринчи китобим 3-курсда ўқиётганимда чиккан. Бу «Пўлат чавандоз» деган очерклар тўплами эди. Биринчи бадиий асарим — «Тўрт мактуб» хикояси эса 1963 йил 17 апрель куни «Тошкент хакикати» газетасида босилган (шундан бери хар йил 17 апрелни ўзимча нишонлайман). Шу хикоя асосида «Чўл хавоси» деган кисса ёзилди. «Шарк юлдузи» да босилди (Тўртинчи курсда ўқирдим). Киссага атокли адиб Абдулла Каххор ниҳоятда хайрихоҳлик билан хат ёзганидан кейингина ўзимга ишонч пайдо бўлди. Мендан ёзувчи чиқиши мумкин экан, деган хаёлга бордим.

Тошкент зилзиласидан кейин — 1966 йилдан — 1982 йилгача «Тошкент окшоми» газетасида бўлим мудирини бўлиб ишладим. Бу давр мен учун энг хаяжонли, энг сермахсул дамлар бўлди. «Бахор кайтмайди», «Калбингга кулок сол», «Квазарлар» киссалари, «Нур борки, соя бор» романи, «Инсон садокати», «Виждон дориси», «Тўйлар муборак» сахна асарлари, кўплаб хикоя ва хажвиялар, публицистик маколалар шу йилларда ёзилган.

Хар гал янги китобим чиқиши билан биринчи нусхасини онамга такдим этардим, «биринчи устозим Ойимга» деб ёзиб берардим.

1980 йили онамнинг тўсатдан вафот этиши менга жуда огир таъсир килди. Фарзандлик бурчимни кай даражада адо этдим, деган ўқинчли хаёл вужудимни ларзага солди.

«Дунёнинг ишлари» китоби шу изтиробли туйгулар туфайли тугилди.

Уч йил давомида Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишладим. «Икки эшик ораси» романи, катор хикоялар, киссалар шу йилларда дунёга келди.

1985 йилдан — 1995 йилгача «Шарк юлдузи» журналида бош муҳаррир бўлиб ишладим. Булар — мамлакат хаётидаги мураккаб, калтис йиллар эди. Шундай пайтда тарихда биринчи бўлиб «Шарк юлдузи» журналида мукаддас Куръони каримнинг маъно таржимаси ўзбек тилида эълон қилинган, бу хайрли юмушга тиш-тирноғи билан қарши бўлганлар хужум бошлаганида журнални мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов химоя қилганини унутмайман.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари шўро сиёсати ўзбек халқи бошига катта кулфат солган, «ўзбек иши» деган янги катагон бошлаган давр бўлди. Бу сиёсатда ростдан кўра ёлгон кўпроқ эканини, мустабид тузумнинг ишонган курули зулм ва таҳдид эканини тасвирлаш виждони уйғок хар бир каламкашнинг бурчидир. Олисидаги пойтахтда бўлган катта анжуманларда манамен деган сиёсий арбоблару олтин поғони ялтираб турган маршаллар билан «ташлашиш»га, халқни бадном қилишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқлигини баралла айтишга тўғри келган пайтлар эди.

Хар бир ижодкорнинг ўз принциплари бўлиши табиий. Улар менда ҳам бор. Хамиша ўзим каттик ишонган, Хақиқат деб билган нарсани ёзишга ҳаракат қилдим. Ўқувчи анойи эмас. Жиндай ёлгонни дархол сезади. Китобхон назаридан қолиш эса каламкаш учун фожиа. Хақиқий ижодкор қалби буюрганини ёзиши керак.

Менимча, XX асрда иккита тарихий воқеа рўй берди. Бири — инсон қадамнинг Ойга етиши, иккинчиси, Ўзбекистоннинг Мустақилликка эришиши! Унисини ҳам, бунисини ҳам бир эмас, бир неча авлодлар умрбод орзу қилган.

1995 йилдан — 2005 йилгача Олий Мажлисида ишладим. Қонун яратиш ҳам ижод. Мураккаб ижод. Бир қатор қонунлар лойиҳаси устида ишлашга хисса қўшдим. Қатор мамлакатларда бўлиб, Ўзбекистон деган юрт хақида, унинг бой тарихи, ажойиб инсонлари, ёруғ келажаги хақидаги суҳбатларда иштирок этдим. Шу йиллари «Нурли

дунё», «Умр савдоси», «Бахор согинчи», «Хадикли тушлар» номли тўрт жилдли сайланма асарларим чоп этилди. «Дафтар хошиясидаги битиклар», «Осмондан тушган пул», «Чана», «Тўйлар муборак», «Шохрухнинг топишмоклари» каби катор китобларим нашр этилди. Айримлари чет элларда чоп килинди. «Катагон» фожиаси сахналаштирилди. Яратганга шукр. Кирк беш йил давомида 60 га якин китобим турли тилларда икки миллиондан кўпрок нусхада нашр этилди. Улар орасида китобхон узок вақт эслаб юрадиган асарлар бўлса, ўқувчи кайсидир сатрларни ўқиганда кўзига ёш келса, каердадир мазза килиб кулса, хаяжонга тушса, мен учун бундан ортик кувонч йўк. Инсон хақида ёзишга, халкимизнинг содда-донишмандлиги, сабр-каноатини тасвирлашга уриндим.

Ижод йўлида бошимни силаган Абдулла Каххор, Сайд Ахмад, Зулфия опа, Асқад Мухтор, Озод Шарафуддинов, Умарали Норматов, Матёкуб Кўшжонов каби устозларимдан, Эркин Воҳидов, Абдугафур Расулов, Неъмат Аминов, Иброҳим Гафуров, Носир Фозилов сингари дўстларимдан беҳад миннатдорман!

...Инсон қисмати шахмат тахтасидаги пиёданнинг юришига ўхшар экан. Гох оқ катакдан ўтади, гох қора катакдан... Хаётимда нурли кунлар ҳам бўлди, булутли онлар ҳам. Садокатни ҳам кўрдим, хиёнатни ҳам. Виждони булоқдек покиза инсонларга ихлос кўйдим, андишани кўроклик, камтарликни ахмоклик ҳисоблайдиган, ўз манфаати йўлида ҳеч қандай разилликдан тоймайдиган ҳасадгўйлар етказган жабрдан дилим вайрон бўлган пайтлар ҳам бўлди... Мамлакатимиз раҳбарияти камтарин меҳнатимни юксак кадрлагани, «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони, «Буюк хизматлари учун» ордени, Давлат мукофотлари билан тақдирлагани учун беҳад миннатдорман. Мен учун тагин мукофот бор. Бу — китобхон меҳри. Китобхон меҳрини ялиниб ҳам, зўравонлик килиб ҳам, сотиб олиб ҳам бўлмайди. Ижод — юз метрлик масофага қим ўзарга югуриш эмас. Ижод ўта мураккаб, олис ва машаккатли йўл. Истеъдод дегани ҳеч шубҳасиз — Аллоҳ берган неъматдир. Ёзувчилик дегани эса қисмат! Бир нарсага қаттиқ ишонаман. Худо ёзганини бандаси ўчиролмайди. Худо берганини бандаси тортиб ололмайди! Яратганга шукр, оилам ижод машакқатини чуқур англайди. Умр йўлдошим — педагог. Икки фарзандим, беш набирам бор. Хамиша бир орзу билан яшайман. Шунақа китоб ёзсангки, уни ўқиган китобхон, ҳамма нарсани унутса, асар қахрамонлари ҳаёти билан яшаса. Китобни ўқиб бўлган қуни кечаси билан ухлолмай, тўлғониб чикса. Орадан йиллар ўтиб асарни қайтадан қўлига олганда тагин хаяжонланса... Энг қатта орзуим шу.

Ўткир Хошимов